

**ISMAT NUSRATILLOEVICH  
NAIMOV**

**REFORMS CARRIED OUT IN THE SPHERE OF  
LEGISLATION IN THE BUKHARA EMIRATE AND THEIR  
CONTENT**



**РЕФОРМЫ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ В СФЕРЕ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ, И ИХ  
СОДЕРЖАНИЕ**

**REFORMS CARRIED OUT IN THE SPHERE OF  
LEGISLATION IN THE BUKHARA EMIRATE AND THEIR  
CONTENT**

*Associate Professor of the  
Department of  
Archaeology and History of  
Bukhara,  
Bukhara State University,  
Doctor of Philosophy in  
Historical Sciences, (PhD)*

*Published under peer review:  
Doctor of Sciences in History  
(DSc), Professor,  
Farmonov Rakhmon  
Farmonovich  
Uzbekistan*

**Abstract:** This article provides some comments on the legislative order established on the basis of Sharia rules in the Bukhara Emirate, which existed in 1756-1920 and occupied an important place in the history of Uzbek statehood, and also reflects the legal reforms carried out by the emirs who ruled in this state in the last periods of its existence based on the requirements of sharia.

**Key words:** ahkom, shariat, Amir Abdulahad, Sayyid Olimkhan, judge, Kazikalon, Council of Judges, manifesto, corporal punishment, legislative reform.

**Аннотация:** В данной статье приводятся некоторые комментарии о законодательном порядке, установленном на основе правил шариата в Бухарском эмирате, существовавшем в 1756-1920 годах и занимавшем важное место в истории узбекской государственности, а также о отражены правовые реформы, осуществленные эмирами, правившими в этом государстве в последние периоды его существования на основе требований шариата.

**Ключевые слова:** ахком, шариат, Амир Абдулахад, Сайд Олимхан, судья, Казикалон, Совет судей, манифест, телесные наказания, законодательная реформа.

**Аннотация:** Мазкур мақолада 1756-1920 йилларда мавжуд бўлган ҳамда ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган Бухоро амирлигига шариат аҳкомлари асосида ташкил этилган қонунчилик тартиби тўғрисида баъзи мулоҳазалар, шунингдек, ушбу давлатда мавжудлигининг сўнгти даврларида ҳукмдорлик қилган амирларнинг шариат талабларидан келиб чиқиб амалга оширган хуқукий ислоҳотлари ҳақида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** аҳком, шариат, амир Абдулаҳад, Сайид Олимхон, қози, қозикалон, қозилик кенгаши, манифест, жисмоний тан жазоси, қонунчилик ислоҳоти.

Миллий давлатчилик тарихимизда ўзига хос ўрин эгалланган Бухоро амирлиги ва унда ҳукмдорлик қилган амирларнинг фаолиятига турлича баҳо берилса-да, ҳар бир амир мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш ва адолатли жамиятни қарор топтириш мақсадида шариат талабларидан келиб чиқиб ислоҳотлар ўтказишига ҳаракат қилганлиги манбаларда ўз аксини топган. Айниқса “Амири Масум” номи билан шуҳрат топган Амир Шоҳмурод томонидан шариат талабларидан келиб чиқсан ҳолда қонунчилик соҳасида жамиятда адолатни қарор топтиришига хизмат қиласидиган кўплаб ислоҳотлар амалга оширганлиги сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орқали яхши таниш. Бироқ унинг ворислари томонидан қозилик маҳкамалари ва уларнинг серқирра фаолияти замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда фаолият самарадорлигини оширишига қаратилган ислоҳотлар ҳақидаги маълумотлар саноқли саналади. Шу жиҳатдан қуйида шариат аҳкомлари (*Аҳком* - “буйруқ”, “топширик”, “хукм” деган маъноларни англатади) асосида Бухоро амирлари, хусусан, амир Ҳайдар ҳамда сўнгги амирлар Абулаҳадхон ва Сайид Олимхон томонидан қонунчилик соҳасида амалга оширилган хуқуқий ислоҳотлар таҳлил этилади.

Амир Шоҳмурод (1749-1800 йй.) вафотидан сўнг, унинг вориси Сайид Ҳайдар Бухоро амирлиги таҳтига кўтарилади. Амир Ҳайдар (хукмронлик даври: 1800-1825) ҳам отаси изидан бориб, давлатни қатъияткорлик билан бошқариб, бор қучини мамлакат бирлигини сақлаб қолиш учун сарфлайди. Амир Ҳайдар хукмронлиги даврида Бухоро давлати ривожланишининг янги босқичини ўтади. Тарихий манбаларда амирлик тараққиётининг ушбу босқичида сиёсий-хуқуқий-маданий ҳаёт, ташки дипломатия ва савдо масалаларида ижобий натижаларга эришилган давр сифатида кўрсатиб ўтилади. Амир Ҳайдар даврида ҳам Амирлиқда ҳокимият хуқуқи амир ихтиёрида бўлган ва жамият ҳаёти шариат қонунларига асосланган ҳолда шакллантирилган. У ўз хукмронлиги даврида диннинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, отаси сингари давлат худудида шариат ишларига кенг йўл очди, масжид ва мадрасалар ишига катта эътибор қаратди.

Бухоро жадидларининг ғоявий раҳнамоси Аҳмад Доңиш (1827-1897) “Амир ул-мўминин” унвонига эришган Амир Ҳайдар солиҳ амалларни қилишига мойил бўлса-да, илм аҳлига ниҳоятда илтифотли бўлганлиги учун давлатдорлик даврида ҳокимларнинг кўпчилиги унга қарши адватда бўлганликларини ёзади. Бухорога тобе улуслар орасида авж олган бузуқчиликни бартараф этишдаги юришлари, шунга қарамай уламолар билан илмий мунозаралар қилишига фурсат топиши, ортиқча исрофгарчиликларга йўл кўймаслигини ижобий баҳолайди. “Тарихда бундай бошқарув шакли бўлганлиги хеч кимнинг ёдида йўқ. Бунинг овозаси бутун ислом диёрига тарқалиб, турли масканлардан ёшлилар илм олиш учун Бухорога кела бошладилар. Бухорода диний илмлар, шариат қоидалари шунчалик ривожландики, исломият давридаги хеч бир подшоликда олимлар бунчалик ютуқларга эришмаган эди” [4; б. 29-30.], – деб ёзади Доңиш. Дарҳақиқат, Амир Ҳайдар хукмронлиги даври ҳақида бирмунча тўлиқроқ манбалар билан танишилса, у асосан ўз эътиборини мамлакат ички ҳаётини яхшилаш ва низоларни бартараф этишига қаратганлиги аён бўлади [20.].

Унинг даврида шариат қонунлари асосида аҳоли қаттиқ назорат қилинган ва уларга бўйсунмаслик ҳолатлари кузатилса, тегишли тартибда жазоланган. Амирлик худудида дин пешволарининг обрў-эътибори ниҳоятда юкори бўлган, амирлар доимо уламолар билан маслаҳатлашган ҳолда иш тутишган. Жумладан, Амир Ҳайдарнинг ўзи ҳам тақводор ва илмли инсон бўлганлиги манбаларда ёзиб қолдирилган. Мирза Абулазим Сомий ўз асарида амирни шундай таърифлайди: “Амир Ҳайдар саховатпеша, олим ва одил подшо эди. Барча илмлардан

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

етарлича хабардор бўлиб, илм ила шуғулланган пайтларда, кори давлат ила бандлигига қарамай, илми илоҳиётни ўрганмоқда бўлган толибу илмларга сабоқ берар ва шогирдларининг давраси минг кишидан кам бўлмасди” [11.].

Ҳақиқатдан ҳам Амир Ҳайдар илм ахлига ниҳоятда эътиборли бўлган. Ўзи ҳам мадраса таълимида иштирок этиб, сабоқ берганлиги кўп манбаларда қайд этилган. Жумладан, Мирзо Олим Маҳдум ҳожи амирнинг маорий йўналишидаги фаолиятига қуидагича баҳо беради: “Ахли илм ва талабага муҳаббат ва сухбат айлаб, аларга закот бериб, ихтилот айлаб, дарс этмакка рағбат қилиб, ўз арки ўрдаларига вакти муайянларда толиби илмларга дарс этмак ва улар бирла мажолисот ва китобхонлик қилмак бирла машғул бўлур эди” [13; б. 178.].

Шуни таъкидлаш жоизки, Амир Ҳайдар бошқа манғит ҳукмдорларидан фарқли равишда ўз қўшинидаги аскарларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларга мунтазам равишда яхши маош тўлаб борган. Бундан ташқари, мамлакатдаги солик йиғувчиларга йиллик маош ажратиш билан бирга, уларга йилига икки марта сарпои улашган. Ўз навбатида камбағаллар, етим-есирлар, қашшоқлар, дарвешлар, муҳожирлар ва муллаларга ҳар йили нафақа бериш учун катта миқдорда маблағ ажратган. Тарихчи Мирзо Салимбек “Тавориҳи муттақаддимин ва муттаҳирин” асарида ёзишича, Амир Ҳайдар раиятпарвар, сахий олим бўлган. Талабалар орасида тўрт юзта шогирди бўлиб, амирнинг ўзи маҳсус дарсхоналарда шогирдларига таълим берган. Шу билан бирга, ҳар йили ўн минг мискинларга эҳсон бериб борган [12; б. 296.].

Ушбу тарихий маълумотларга қараганда, амир давлат ҳисобидан маълум тоифа кишиларга кунлик, ойлик, йиллик нафақа ҳамда белгиланган тартибида озиқ-овқат маҳсулотларини тайинлаган ва бунинг назоратини вазифаҳўрларга юклаган.

Амир Ҳайдар хаётлик даврида кичикроқ бир мадраса бино қилган. У ҳалқ орасида “Мадрасаи Амир” ёки “Мадрасаи Олийча” номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, ҳукмдорлигининг 1805 йилида мулло Турсунжон исмли бир савдогар Бухорода катта мадраса куришни бошлаган, аммо касалланиб вафоти олдидан амирга яқин бўлгани учун уни охирига етказиши илтимос қилган. Амир унинг васиятини адо этиб, мадрасани тиклаганлигини манбалар тасдиқлайди. Шунингдек, Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида Бухорода Чор Минор меъморий мажмуаси ва Халифа Ниёзқул мадрасаси (1807 й.), кўплаб масжидлар, хонақолар, ҳаммомлар қурилган, шунингдек, Халифа Ҳудойдод меъморий мажмуаси (1777-1855 й.) қурилиши давом эттирилган [14; б. 42.].

Амир Ҳайдар ўлимидан сўнг қисқа муддат таҳтга ўтирган Амир Ҳусайн (1826 йил 6 октябрь – 10 декабрь) ва Амир Умар (1826 йил 23 декабрь – 1827 йил март), шунингдек, Амир Насруллоҳ (1827-1860 й.), Амир Музаффар (1860-1885 й.), Амир Абдулаҳад (1885-1910 й.) ва сўнгги Амир Сайид Олимхон (1910-1920 й.) мамлакатда ҳукмдорлик қилишди. Амир Шоҳмурод бошлаб берган ҳуқуқий ислоҳотлар, айниқса, Амир Насруллоҳ замонидан бошлаб заифлаша борди. Ҳусусан, Аҳмад Дониш унинг даврида дин ва давлат ишлари таназзулга юз тута бошланганини қоралаб, қуидаги сабабларни келтиради: сипоҳлар мулки мусодара қилинган; солик ундирувчилар ноилож ғазнани тўлдириш учун ҳалқка зулм ишлатган; уламолардан ношаръий ишларга фатво бериш талаб қилинган [4; б. 34.]. Ушбу ҳолат Амир Музаффар даврида ҳам давом этди, унинг лоқайдлиги билан жамият ҳаётидаги қўплаб соҳалар издан чиқа бошлади, ҳатто Бухоро амирлиги мустамлакачилик зулмига учраб, яrim мустақиллигидан айрилди.

Амир Абдулаҳадхон ҳокимият тепасига келганда эса, мамлакатда амалдорларнинг судхўрлиги, маҳаллий ҳокимларнинг ҳалқ устидан ўтказаётган зулми бекиёс даражада ортиб кетганди. Ҳатто, айрим бек ва ҳокимлар марказий ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортиб,

мустакил бўлиш учун интилаётган эдилар. Мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳам бир қанча муаммолар тўпланиб, амалдорлар ўртасида порахўрлик, таъмагирлик авж олган, жамиятда гиёҳвандлик, қиморбозлик кент тарқалган эди [9; б. 34].

Тахтни абгор ҳолатда олган Амир Абдулаҳад юқорида қайд этилган иллатларга барҳам бериш мақсадида суд-хуқук тизимини тартибга солишга киришади, дастлаб ноҳақ қамалган маҳбусларни озод этади [7.], лавозимиға нолойик кўплаб амалдорларни вазифасидан четлатади. Барча вилоят қозиларини ишдан олиб, ўрнига янги қозилар тайинлайди [10.]. Бухорода ўғриликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлайди ва ижросини талаф этади [18.]. Ҳокимлар ва қозиларнинг ҳафтада бир марта мамлакатнинг умумий аҳволи юзасидан амирга расман арз этиб, кечикириб бўлмас чоралар кўриш мақсадида буйруқ олиб туриш тартибини жорий қиласди [15; б. 39.]. Шунингдек, муфти жилов лавозимидағи Бадриддин маҳдумни раис мансабига, Орифжон маҳдумни эса, муфти жилов мансабига ўтқазади [8]. Наша чекиши, кўкнор ичиш, кул савдоси ва оғир жиноятлар учун қатл қилиш ҳамда маҳкумларга ноинсоний тан жазоларини қўллашни расман таъкиқлайди. 1886 йилда Абдулаҳадхон амирликдаги зиндоннинг “канахона” кисмини кўмишга буйруқ беради [17; с. 124-126].

Амир Абдулаҳадхондан сўнг тахтга кўтарилиган сўнгги хукмдор Сайид Олимхон ҳам ўз фаолиятини Бухоро амирлигига шариат аҳкомлари асосида хуқуқий ислоҳотлар амалга оширишдан бошлайди.

Ўша давр одатларига кўра, Бухоро қозикалони ва беклик қозиси шахсан амир томонидан тасдиқланган мансаб вазифалари ва мажбуриятлари кўрсатилган маҳсус ёрлиқ билан тайинланиб, бунинг рамзий белгиси сифатида шойи-ипақдан тикилган бир бош “*сарпои*” (бошдан оёқ тўн либос жамланмаси) тухфа этилган. Расмий давлатчилик анъанаси бўйича қозикалон янги сарпои билан пойтахт Бухоронинг марказий кўчаларини кесиб ўтиши ва лавозимга киришаётганлиги муносабати билан ўзини таништириши керак бўлган. Беклик қозилари эса амирнинг ваколатли вакили (одатда бундай масъулиятли вазифа “*Нақиб*” мансабини эгаллаган амалдорга ишониб топширилган) орқали жўнатилган ёрлиқ ва сарпоини мамнуният билан қабул қилгач, буни беклик ҳокимига маълум қилиш мақсадида унга ўнта тўн ва битта от-улов ҳадя этиб, ўз лавозимини бажаришга киришган [16; с. 65.].

Бироқ, мазкур норасмий анъанага ҳижрий 1327 йил муҳаррам ойининг еттинчи (1910 йил 24 декабрь) кунида тахтга ўтирган Амир Сайид Олимхон чек қўяди. Хусусан, 1910 йил 29 декабря Арки олийда йигилган уламо, умаро, аъёнлар ва Россия сиёсий айгоқчилигининг вакилларидан иборат “*жулус*” (тактга ўтириш маросими) мажлисида мирзо Низомиддин Урганжий амирнинг биринчи ислоҳот фармонини ўқиб эшигтиради. Асоси тўрт моддадан иборат мазкур фармоннинг 1-моддасида шундай баён этилган эди: “Биз халқнинг осойиш ва тинчлигини самимона бир суратда истаймиз, раиянинг саодати ва юртнинг ободлиги йўлига Тангри таолонинг ёрдами билан чолишамиз. Мундан бурун қозилар йилда неча қатла амирга тортиқ ва дарбир аҳлига тухфа юборишлари расм эди. Мундан сўнгра бу одат қатъиян мамнӯйдир. Қозилар ушбу мусорифдан қутулганларидан кейин халқнинг ҳолига тараҳҳум (раҳм, ғамхўрлик) қилиб *хутум* (хат), *ибро* (гуноҳдан кечмок, оқламоқ бўлиб, матнда оқлов хати маъносида келган) ва васиқа(мулкка – ер-сув ва хўжалик бинолари)га доимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш хуқуқини берувчи хужжат)лардан тортиқ талаб қилмасинлар. Аларнинг мулизимлари ҳам фарсах пули (ҳар бир тош йўли учун уч ярим танга)дан ортиқ олмасинлар. Ҳар кимса ушбу хукмдан бош тортса, ясама жазоға учрағувсидир...” [2; б. 225.]. Шунингдек, мазкур фармон билан барча беклар, қозилар, закотчи ва раисларга меҳмондорчиликка бориш (ҳатто ўз яқинларини ким) таъкиқлаб кўйилади.

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қозиларнинг аҳоли билан муносабатлари доимий равиша эътиборда бўлган. Албатта салбий одат тусига кирган “*тортиқ қилиши*” анъанаси, авваламбор, оддий фуқаролар бўйнига тушарди, бу эса уларнинг ҳукуматга нисбатан норозилигини оширарди. Тахтга эндиғина ўтирган Амир Сайид Олимхон эса, аҳолининг моддий аҳволини оғирлаштирувчи мана шундай салбий одатлардан яхши хабардор бўлганлиги сабабли, ўз ислоҳотларини даставвал суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солишдан бошлайди.

Шунингдек, 1910 йилда тахтга ўтирган Амир Сайид Олимхон узоқ вақт амалда бўлган қозилар хизмати учун тўланадиган ҳақ микдорини аҳоли моддий аҳволини эътиборга олган ҳолда камайтириш тўғрисида маҳсус биринчи фармонини эълон қилган. Фармонга қўра, жиноятчи ва гувоҳдан маҳкама харажатлари учун алоҳида ундириладиган “*такса*” (мазкур тўлов тури беклар ва қозиларнинг асосий даромад манбаси бўлиб, қозига мурожаат қилган ҳар икки томон (даъвогар ва жавобгар) ҳам бекнинг кўрсатмасида белгиланган тартибда тўлаши лозим бўлган хизмат ҳақи ҳисобланган) солиги 3 танга қилиб белгилаб қўйилган. Худди шу даврда Бухорода суд ишини кўриб чиқсан қози суд харажатлари учун мижоздан 3 танга ўрнига 25 танга ундирганлиги сабабли қозикалон буйруғи билан қаттиқ ҳайфсан берилиб, лавозимидан бўшатилган [18.].

Олимхон (хукмронлик даври: 1910-1920) Амир Шоҳмурод даврида жорий этилган ва Абдулаҳад замонига келиб эса унutilган “*Қозиларнинг ҳайъат кенгаси*” фаолиятини ҳам қайта тиклайди. Анъанага қўра амир саройида ташкил этилган ушбу кенгаш ҳар ой боши билан ўтказилиб, қози ва раислар тугалланган бир ой ичидаги ҳал этилмаган даъво, низолар ёки ҳукмдан норози бўлган фуқароларнинг ишларини муҳокама этганлар. Қозикалон раислигига, аълам ҳамда 12 нафар муфти кенгашиб, уч кун ичидаги амирнинг раёсати остида бутун қозиларнинг амалиётдаги муаммолари ҳал этилиши йўлга қўйилади. Олимхон Қозилар кенгаси фаолияти учун Арк қўргонидаги мадрасани бўшатиб, уч кун муддатда кутубхонасидаги фикҳ китобларидан истифода этишлари ва воқеъ бўлган даъволарга доир ишончли ҳамда далилланган фатволарни излаб топишларига шароит яратиб беради [3; б. 79.].

1918 йил 2 марта Амир Сайид Олимхон иккинчи манифестни имзолайди. Етти банддан иборат мурожаатда шариат меъёrlарига қатъий риоя этишни давом эттириш белгиланган эди. 5-бандига мувофиқ эса мавжуд қоидалардан жисмоний тан ва ўлим жазоси бекор қилинганлиги эълон қилинади [21; с. 143]. Шу билан бирга, бундан буён фуқароларга сўз ва фикр эркинлигини таъминлашни кафолатлаш, солиқ тизимини ислоҳ этиш каби масалалар ҳам назардан четда қолдирилмайди. Ушбу фармон ёш бухороликларнинг талаби ҳамда Ф. Колесовнинг (Қизил армия қўмандони) Бухорога босқини вақтида сиёсий босим остида имзоланган бўлса-да, суд-ҳуқуқ соҳасида юқорида келтирилган ўзгаришлар амир ташаббуси билан илгари сурилган эди. Бу эса Амир Сайид Олимхоннинг жамиятни тартибга солишда ва инсонга нисбатан қўлланилган жазо турларига бефарқ бўлмагани, улар ислоҳ этишга муҳтож эканини жуда яхши тушунганлиги ҳамда ёш бухороликлар талабига амирнинг ўзи ҳам хайриҳоҳ эканлигини кўрсатади.

Гарчи совет даврида Бухоронинг сўнгги ҳукмдори тўғрисида салбий фикр уйғотишига астойдил ҳаракат қилинган бўлса-да, бугунги кунга келиб холис тарихимизни ўрганиш имконияти яратилганлиги туфайли, тарихий хужжатлар Амир Олимхоннинг мамлакат фаровонлиги йўлида иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳаларда кўплаб ислоҳотлар ўтказганлиги ойдинлашмоқда [6].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигига Амир Шоҳмурод томонидан бошлаб берилган ҳуқуқий ислоҳотлар, ўз даврининг муҳим янгиликларидан бири бўлиб, кейинчалик ворислари

томонидан ҳам улар давом эттирилди. Ҳуқуқий йўналишдаги ислоҳотлар натижасида амирлар халқ ишончини қозониб, жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солища ва қонун устуворлигини таъминлаб, фуқаролар оғирини енгил қилишда ёрдам берди. Шариат аҳкомларини мустаҳкамлаш ва уни кейинги авлодга етказиш мақсадида, замон талаби асосида фикҳий манбалар яратилди ва уларнинг ўқитилиши натижасида расмий-ҳуқуқий иш юритилишига эътибор қаратилди. Кейинги амирлар, хусусан Насруллохон ва Музффархон даврида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиб боришда бир оз танаффус бўлган бўлсада, Абдулаҳадхон ва Сайид Олимхонлар “Амири Маъсум” бошлаб берган ишни давом эттирдилар ва мамлакатдаги қонунчиликни шариат талабларидан келиб чиқсан ҳолда янада ислоҳ этдилар.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдурашидов З. Анnotated bibliography of Turkic materials in the newspaper "Tarkumman" (1883-1917). Tokyo, 2011. – 233 pp.
2. Айний С. Асарлар / Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Саккиз томлик. Том 1. – Тошкент: “Бадиий адабиёт” нашриёти, 1963. – 256 pp.
3. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар (Назир Тўракул ўғлиниң сўз бошиси билан). – Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти, 1926. – Б. 79.
4. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи / Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. – Тошкент, 2014. – 144 pp.
5. Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи (XVIII аср ўрталари – XX аср бошлари) [Матн] / лойиха раҳбари И. Наимов. – Бухоро: “Дурдана” нашриёти, 2023. – 188 pp.
6. *Батафсил қаранг*: Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Амир Олимхоннинг ислоҳот фармонлари. – Тошкент: “Muhabbir” nashriyoti, 2021. – Б. 51-67.
7. Бухарадан мактуб // “Таржимон” (Боғчасарой). №22. 1885 йил 3 декабрь.
8. Бухарадан // “Таржимон” (Боғчасарой). №9, 1886 йил 7 февраль.
9. Жамолова Д. Бухоро Амири Абдулаҳадхон ва унинг сиёсий фаолияти // Ўзбекистон тарихи. №1, 2018. – Б. 34.
10. Каттақўргондан бир киши. Бухородан мактуб (Таржумана махсус) // “Таржимон” (Боғчасарой). №24. 1885 йил 10 декабрь.
11. Мирза Абдулазим Сомий. Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози (Форс тилидан Илҳом Султонов таржимаси) // “Шарқ юлдузи” (Тошкент). 1993. №3.
12. Мирзо Салимбек. Кашқули Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаҳирин. (Форс-тожик тилидан Н. Йўлдошев таржимаси). – Бухоро: Бухоро, 2003. – 296 pp.
13. Мулла Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – 178 pp.
14. Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд Амири Сайид // “Бухоро мавжлари” (Бухоро). 2006. №2. – Б.42.

15. Фитрат. Амир Олимхоннинг хукмронлик даври / [Тож. Ҳ.Қудратиллаев ўзбеклаштирган; Сўнг сўз Муҳиддиновники]. – Тошкент: “Минҳож”, 1991. – 64 бет.
16. Фридрихъ Н. Бухара / Этнографический очеркъ. – С-Петербургъ: Издательство О.Н. Поповой, 1910. – 80 стр.
17. Шубинский П. Очерки Бухары // “Исторический вестник” (Петербург). №10, 1892. – С. 124-126.
18. Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1752-иш, 2-варақ.
19. Ўзбекистон МА. И-1-фонд, 31-рўйхат, 735-иш, 23-варақ.
20. Қаранг: Муҳаммад Шариф., Мулла Ибодулла. Тарих-и Амир Ҳайдар. – Тошкент, 2014. – 111 б.
21. Ходжаев Ф. Избранные труды. В трех томах. Том I. – Ташкент: “ФАН”, 1970. – 498 стр.